



Халол ишлаб чиқариш соҳаси мутахассисларининг фикрларича: “Халол бўлмаган хом ашёлардан олинган спирт ва ўзга моддаларни халол маҳсулот ишлаб чиқаришда қўллаш ҳукми” ихтилофли масалалар сирасига киради. Зеро, бу борада уламолар орасида иттифок (тўхтамга келинган маълум бир қарор) йўқдир. Шу боис мутахассислар айнан ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларини бундай қўшимча моддаларга доир чора топишга чақирмоқдалар.

Халқаро Исломий тадқиқотлар институти (IAIS) мудирини Муҳаммад Хошим Камолий Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган форумдаги нутқида бундай деди:

“Бу соҳада тадқиқот ўтказилиши лозим бўлган янги масалалар юзага келмоқда. Ҳамда, буларнинг аниқ таъриф ва тавсифлари шариатда билдирилмаганлиги боис халол маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги янги вазиятлар, турли қўшимча моддалар, бўёқ ва хоказолар мазкур соҳада маълум бир қарорлар олишга, ечим қабул қилишга таъсир қилмоқда”.

Ўрни келганда изох бериб ўтиш лозимки, симпозиум катнашчилари ва халол соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича: асл масала – халол маҳсулотлар ишлаб чиқаришда спиртнинг қўшилишида эмас, балки унинг хидини, таъмини ва маст қилувчи хусусиятларини йўқотувчи технологияларнинг номуносиблигидадир.

Энг ожиз банд таржимаси